

ХУДУДЛАРГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШДА ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

ПОВЫШЕНИЕ ПРИВЛЕКАТЕЛЬНОСТИ ИНВЕСТИЦИОННОЙ СРЕДЫ ПРИ ПРИВЛЕЧЕНИИ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ В РЕГИОНЫ

INCREASING THE ATTRACTIVENESS OF THE INVESTMENT ENVIRONMENT IN ATTRACTING FOREIGN INVESTMENTS TO THE REGIONS

Зарипов Дилмурод Бахромович –
“UzAssets investitsiya kompaniyasi” АЖ
бошқарув раис ўринбосари

Аннотация: Мақолада ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишда инвестицион муҳит жозибаторлигини ошириш билан, ҳудудларнинг рақобат устунлигини таъминловчи ва инвестицион жозибаторлигига ижобий таъсир этувчи масалалар ёритилган.

Аннотация: В статье освещены вопросы, обеспечивающие конкурентное преимущество регионов и положительно влияющие на инвестиционную привлекательность регионов за счет повышения привлекательности инвестиционной среды при привлечении иностранных инвестиций в регионы.

Annotatsiya: The article highlights issues that ensure the competitive advantage of the regions and positively affect the investment attractiveness of the regions by increasing the attractiveness of the investment environment when attracting foreign investment in the regions.

Калитли сўзлар: инвестиция, хорижий инвестициялар, инвестицион муҳит, жозибаторлик, инвестиция дастури, ҳудуд, бизнес юритиш, рақобат, ишлаб чиқариш, модернизациялаш, самараторлик, инновация.

Ключевые слова: инвестиции, иностранные инвестиции, инвестиционная среда, привлекательность, инвестиционная программа, территория, ведение бизнеса, конкуренция, производство, модернизация, эффективность, инновации.

Key words: investment, foreign investments, investment environment, attractiveness, investment program, territory, doing business, competition, production, modernization, efficiency, innovation.

Кириш

Ўзбекистонда инвестицион муҳит ва унинг жозибаторлиги ҳақидаги масаланинг муҳим аҳамият касб этиши ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган инвестиция сиёсатида яққол кўринади. Мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодий шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислохотлар бугунги кунда ўзининг натижаларини намоён этмоқда. Шу ўринда таъкидлаш керакки, Муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев таъбири билан айтганда, “Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодийнинг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодий драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодийнинг юраги, десак, муболаға бўлмайди.

Инвестиция билан бирга турли соҳа ва тармоқларга, ҳудудларга янги технологиялар, илғор тажрибалар, юксак малакали мутахассислар кириб келади, тадбиркорлик жадал ривожланади”[1].

Таҳлил.

Бизга маълумки, «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» деб эълон қилинган 2018 йилда мамлакатимизда иқтисодий, ижтимоий соҳа ва давлат бошқарувига замонавий илм-фан ютуқлари, инновацион ғоялар ва технологияларни жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди[2]. Лекин, айти пайтда ҳам Ўзбекистоннинг кўплаб ҳудудларида мураккаб молиявий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш учун инвестицион муҳит жозибаторлиги ҳақидаги

масалаларни ўрганиш ва ёритиш талаб қилинади. Бу эса миллий иқтисодийтимизга кенг миқёсдаги инвестициялар оқимини олиб келиши муқаррар. Амалда мавжуд қувватлар юкланишини ошириш ЯИМни 12-8 % гача оширишга имкон беради. Фикримизча, ҳозирда давлат инвестицияларининг имкониятлари чекланган, бунинг устига самарадорлиги ҳам паст, чунки улардаги айрим, хусусан, молиявий муаммолар ҳал этилмаган. Шунинг учун маҳаллий ва чет эл инвестицияларининг талаби тўлиқ қондирилмаган. Улар учун эса қулай инвестицион муҳитнинг **жозибадорлиги** керак бўлиб, бу муҳит Ўзбекистоннинг халқаро капитал бозорларида рақобатлашиши ва мамлакатдан капитал оқими чиқиб кетишини тўхтатишга имкон беради. Тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари оқими капиталларни мамлакатга кириб келишини бевосита таъминлайди. Ҳозирги пайтда инвестицион муҳит кўнгилдагидек эмаслиги Ўзбекистоннинг айрим ҳудудлари эгаллаб турган ўрни сезиларли даражада сусайиши билан изоҳланади, натижада ушбу ҳудудлар инвестициялар учун рақобатда аксарият ҳудудлардан ортда қолишига сабаб бўлмоқда.

Ҳозирда **айрим ҳудудлардаги асосий муаммоларнинг мавжудлиги** инвестициялаш имкониятларини чеклайди, бунинг натижасида самарадорлигини ҳам пасайтиради, чунки улардаги молиявий муаммоларнинг ҳал этилмаганлиги уларни оқсоқ ҳудудлар қаторида бўлишига асосий сабаблардан бўлади. Айни пайтда **ҳудудларда янги корхоналарни ташкил этиш бўйича таркиби таҳлилни кўрганимизда, уларни ўсишини кузатамиз. Лекин, шу билан бирга айрим ҳудудларда уларни улуши қониқарсиз даражадалигини кузатишимиз мумкин.**

Масалан, банкрот жараёнини тайёрлаш, шунингдек банкрот жараёнининг ўзи учун асосларнинг етарли даражада тартибга солинмаслиги ҳам инвесторнинг ҳуқуқларига жид-

дий хавф солиши мумкин. Айниқса, ҳозирда кредиторларнинг эътирозларини кўриб чиқиш тартиби ҳам катта муаммолар билан амалга оширилмоқда. Бир вақтнинг ўзиде банк кредитори бўлган йирик инвесторлардан бири банкротлик жараёнининг «шаффоф» эмаслиги ва қонунчиликдаги камчиликлар натижасида ижобий натижага эриша олмайди.

Натижада уларнинг мулкани манфаатдор «керакли шахслар» томонидан талон-тарож қилиш мақсадида у ёки бу даражада тўлов лаёқатига эга бўлган компанияларни банкротга учратишга тайёр бўлган махсус фирибгар-юристар бозори вужудга келади. Шу билан бирга маҳаллий органлар ва тармоқ тузилмалари раҳбарлари томонидан сифатсиз маҳсулотни ишлаб чиқариш, эскирган техника ва технология асосида зарар кўриб иш-лаётган корхоналарни сақлаб қолиш учун уринишларига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

Бугунги кунда **фаолият юритмаётган** корхоналар сонининг кўплиги ва уларнинг аксарияти енгил ва оғир ҳаттоки озиқ-овқат саноати соҳасида ҳам сақланиб қолмоқда. Ҳолбуки, бу соҳаларда тез ўзгарувчан бозор талаби техника ва технологияни узоғи билан 7-5 йилда, ривожланган мамлакатларда эса бундан ҳам қисқа муддатларда ўзгартиришни талаб этади.

Барчамизга маълумки, 2021 йилда мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг устувор йўналишлари белгилаб берилган эди. Ушбу устувор йўналишлардан келиб чиқувчи вазифаларни амалга оширишда салмоқли натижа ва сезиларли ўзгаришлар қўлга киритилди.

Иқтисодийнинг юқори барқарор суръатлар билан ўсиши ва макроиқтисодий мутаносибликни таъминлашга, ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш ва модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш ишлари натижасида эришилди.

Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг ҳудудлар кесимидаги сони ва улуши[3].

Сони	Улуши, %	
Ўзбекистон Республикаси	5517	100,0
Қорақалпоғистон Республикаси	76	1,4
<i>Вилоятлар:</i>		
Андижон вилояти	172	3,1
Бухоро вилояти	91	1,6
Жиззах вилояти	82	1,5
Қашқадарё вилояти	54	1,0
Навоий вилояти	60	1,1
Наманган вилояти	103	1,9
Самарқанд вилояти	280	5,1
Сурхондарё вилояти	57	1,0
Сирдарё вилояти	85	1,5
Тошкент вилояти	583	10,6
Фарғона вилояти	199	3,6
Хоразм вилояти	51	0,9
Тошкент шаҳри	3624	65,7

1-жадвал маълумотларини таҳлил қилганда шу аён бўлдики, хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми Тошкент шаҳар 3624 та (65,7 фоизи), Тошкент вилояти 583 та (10,6 фоиз) ва Самарқанд вилоятлари 280 та (5,1 фоиз) ҳиссаларига тўғри келади. Энг кам хорижий капитал иштирокида ташкил этилган корхоналар Хоразм вилояти 51 та (0,9 фоиз), Қашқадарё вилояти 54 та (1,0 фоиз), Сурхондарё вилояти 57 та (1,0 фоиз) ва Навоий вилояти 60 та (1,1 фоиз) ҳиссаларига тўғри келади. Бу эса мазкур ҳудудларда хорижий ҳамкорлар билан ишлашни, инвестициялар жалб этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишларни янада ривожлантиришни талаб этади.

Таҳлилларимиз натижаси шуни кўрсатадики, хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг фаолияти борасида энг паст натижага эга бўлган ҳудудлардаги муаммоларнинг асосий сабаблари **инвестицион муҳит жозибadorлигининг** молиявий жиҳатларидаги **айрим муаммолар бўлса, иккинчи томондан ҳудудлардаги ҳокимликлар** инвестицион муҳит жозибadorлигини яхшилаш борасида маъсулиятсизликларидир. Бу ҳолат-

дан келиб чиқиб инвестицион муҳитни молиявий жиҳатларидаги муаммолар, инвестицион муҳитнинг Ўзбекистон минтақаларидаги ҳолати ва яхшилаш имкониятларини тавсифловчи омиллар мажмуини кўриб чиқамиз. Улар қаторига қуйидагиларни келтириш мумкин:

- макроиқтисодий кўрсаткичлар (бюджет, тўлов баланси, давлат қарзлари);
- сиёсий барқарорлик ва уни олдиндан айтиб бериш мумкинлиги;
- мулкчилик ҳуқуқининг ҳимоя қилиниши, корпоратив бошқарув даражаси;
- контрагентларнинг шартномаларни бажариш бўйича мажбуриятлари;
- ҳуқуқ-тартибот ва қонунийлик даражаси, жиноятчилик ва коррупция даражаси;
- солиқ тизими сифати ва солиқ юки даражаси;
- банк тизими ва бошқа молиявий институтлар сифати;
- иқтисодиётнинг очиқлиги;
- инфратузилманинг ривожланиш даражаси;
- ишчи кучи сифати;
- бозордаги монополия даражаси, бо-

зорга киришдаги тўсиқлар ва бошқалар.

Фикримизча, амалда Ўзбекистондаги ислохотларнинг боришида муваффақиятлар қайд этилса-да, бироқ янада самарали бозор иқтисодиётига тўлиқ ва мукамал даражада ўтиш учун амалга ошириш керак бўлган ишлар бор. Инвестицион муҳитга давлатнинг мулкчилик ҳуқуқини ҳимоя қилиш, молиявий муносабатлардаги тўловлар бўйича камчиликлар, конвертация муаммоси, солиқ юкининг катталиги, шартнома мажбуриятларини бажармаслик бўйича ҳаракатларнинг самарасизлиги салбий таъсир кўрсатади.

Маҳаллий ҳукуматлар сиёсати инвестицион муҳитнинг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Инвестицияларнинг муҳимлиги кўплаб минтақаларда сезилади, шу сабабдан инвесторларга солиқдан озод қилиш ва бошқа имтиёзлар тақдим этилади. Мазкур имтиёзлар қонунчиликка асосланган ҳолда амалга оширилишини ҳисобга олсак қонунчиликда кўзда тутилган стимулларнинг асосий тури фискал (минтақавий бюджетга ўтказилиши лозим бўлган солиқларни тўлаш бўйича) имтиёзлар ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг кўплаб минтақаларига нисбатан табиий-географик ва иқлим шароитлари бир мунча яхшироқ бўлган бошқа ҳудудлардаги маҳаллий ҳокимиятни бу соҳага эътиборсизлиги кўплаб потенциал инвесторларнинг ҳафсаласини чўчитиб юбормоқда. Шу билан бир пайтда кўплаб минтақаларда тадбиркорлик ва инвестицион фаолликнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган ҳодисалар кузатилмоқда, яъни:

➤ мулкни эгаллаб олиш ёки инвестицияларга кўмаклашишнинг шarti сифатида унда иштирок этишга интилиш;

➤ маҳсулотни олиб кириш ёки олиб чиқишга тўсиқлар яратишга интилиш;

➤ хўжалик субъектларини рўйхатдан ўтказишни асосланмаган тарзда рад этиш;

➤ айрим фаолият турларини амалга оширишни асосланмаган тарзда тўғридан-тўғри тақиқлаш;

➤ қонунчиликда кўзда тутилмаган йиғимлар ва лицензияларни жорий этиш.

Кейинги йилларда ҳудудий бошқармалар томонидан Ўзбекистон субъектлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг мо-

нополияга қарши қонунчиликка зид келадиган бир қанча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари аниқланган, яъни:

➤ маъмурий жараёнларда ортиқча расмиятчилик;

➤ ишчи кучи миграцияси учун тўсиқлар яратиш;

➤ маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг ўз функцияларини бажармасликлари.

Яна шуни таъкидлаш керакки кенгашиши самарадорлиги пасайишининг асосий сабаби маҳаллий ҳукуматнинг тез-тез ўзгариб туриши ҳисобланади. Натижада кенгаш тавсиялари бажарилмай қолишига олиб келмоқда. Бу ҳам маълум даражада инвестицион фаолликни пасайишига олиб келувчи омиллардан ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар.

Истиқболда устувор вазифалар сифатида куйидагиларни кўриб чиқиш таклиф этилади:

➤ солиқ тизими сифати ва солиқ юки даражаси;

➤ банк тизими ва бошқа молиявий институтлар сифати;

➤ конвертация масаласи;

➤ марказий ва маҳаллий ҳукумат органларининг ваколати ва сиёсати, улар тузилмасида манфаатларнинг можаролари даражаси;

➤ иқтисодиётнинг очиқлиги;

➤ инфратузилманинг ривожланиш даражаси;

➤ ишчи кучининг сифати;

➤ бозордаги монополия даражаси, бозорга киришдаги тўсиқлар ва бошқалар.

Мамлакатнинг олдида турган муҳим мақсади чет эл инвестицияларини жалб этиш учун шароитларни яхшилаш, Ўзбекистонда қулай инвестицион муҳит яратиш, жумладан мамлакатдаги хорижий инвестицияларга имтиёзларни кенг жорий этиш, амалий кўмаклашиш ва мамлакат ичидаги инвестицион муҳитнинг молиявий жиҳатларини яхшилашдан иборат. Ўзбекистонда инвестицион муҳитнинг муҳимлиги биринчи ўринга чиқмоқда. Ўзбекистон иқтисодиётининг келажаги бошқа омилларга қараганда кўпроқ айнанунга боғлиқ. Иқтисодий муаммолар чигаллигини фақат иқтисодий ўсишни таъминлайдиган инвестицион муҳит ҳал этиши мумкин. Бу вазифани фақат кенг

миқёсда инвестициялар оқими ёрдамида ҳал этиш мумкин.

Шу билан бирга Ўзбекистонда рақобатбардошликни ошириш ва жаҳон бозорида янги ўринлар эгаллаш учун мамлакат иқтисодиётини замонавий технологик асосларда таркибий қайта қуришга асосланган кучли ислохотларни кучайтириш лозим. Бугунги кунда Ўзбекистонда ишлаб чиқариш корхоналарининг кўпи эскирган, 30 йилдан ортиқ қувватлардан фойдаланиб келинмоқда. Шунинг учун Ўзбекистон минтақаларидаги инвестицион муҳитни соғломлаштиришнинг муҳим омилларидан бири корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш ҳисобланади. Бу вазифа авваламбор иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, экспортга йўналтирилган ва маҳаллийлаштирилаётган ишлаб чиқариш қувват-

ларига тегишлидир.

Маълумки, мамлакатимизнинг етакчи тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, халқаро сифат стандартларига ўтиш бўйича турли муддатларга мўлжалланган дастурлар ишлаб чиқилган ва изчил равишда амалга ошириб келинмоқда.

Умуман олганда Ўзбекистонда инвестицион муҳитнинг молиявий томонларини тамомила яхшилаш учун нималар қилиш кераклигига доир тавсиялар ишлаб чиқиш ва вазиятни баҳолаш ҳозирги долзарб масалалардан ҳисобланади. Ўзбекистонда вужудга келган муаммоларни бартараф этиш ва инқирозлардан чиқариш учун кенг миқёсда янги саъй-ҳаракатлар талаб қилинади. Шу нуқтаий назардан, модернизация дастурлари доирасида хорижий мамлакатлардан инвестицияларни жалб қилиш бўйича ишларни янада жадаллаштириш керак.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // *Халқ сўзи*, 2018 йил 24 декабрь.

2. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида* ПФ-5635-сонли Фармони. 2019 йил 17 январь, “Халқ сўзи” газетаси -1-2 б. 18.01.2019 й.

3. www.Stat.uz. – ЎЗР Давлат статистика Қўмитаси сайти.

ПАНДЕМИЯДАН КЕЙИНГИ ДАВРДА ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИНИ СТРАТЕГИК РИВОЖЛАНТИРИШДА ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИНИ ЯРАТИШ

Умарова Гўзал Ғайратовна –

иқтисод фанлари номзоди, ТДИУ «Тармоқлар иқтисодиёти» кафедраси доценти, ДБА «Менежмент назарияси ва амалиёти» кафедраси изланувчиси

Аннотация: мазкур мақолада пандемиядан кейинги даврда Ўзбекистоннинг етакчи тармоқларидан бири бўлган тўқимачилик саноатини стратегик ривожлантиришда қулай инвестиция муҳитини яратиш масалалари чуқур таҳлил этилган. Хорижий инвестицияларни жалб этишнинг муҳим тартибга солувчи дастаги сифатида «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг фаолият йўналишлари, тармоқнинг имижси, қулай ва фаровон инвестиция муҳитини шакллантириш, инвестиция фаолиятини рағбатлантириш ва такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: қулай ва фаровон инвестиция муҳити, хорижий инвестициялар, маҳсулот, салоҳият, қўшма корхона, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, юқори қўшилган қиймат, қайта ишлаш, модернизация, диверсификация.